

## ИННОВАЦИОН ТАРАҚҚИЁТДА ИНСОН ОМИЛИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ

Нормуродов Сарвар Норбой ўғли,  
стажёр ўқитувчи, Тошкент давлат аграр университети, ТДАУ  
E-mail: s.n.normurodov@bk.ru

Хайруллаева Мухлисахон Нуриддин кизи,  
талаба, Халқаро қишлоқ хўжалиги университети, ХҚХУ  
E-mail: xayrullaeva00@mail.ru

### **Аннотация:**

жаҳон бозори, миллий иқтисодиёт, халқаро ҳамжамият, ишлаб чиқариш ресурслари, инновацион тараққиёт, долзарб муаммолар, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш, стратегик бошқариш жараёнлари, инсон (ақлий) капитали, мамлакатимизда инновацион тараққиёт, инновацион, ижтимоий-иқтисодий, муаммоларни босқичма-босқич баргараф этиш, каби сўзлар кенг ёритилган.

**Калит сўзлар:** жаҳон бозори, миллий, миллий иқтисодиёт, инновацион, тараққиёт, долзарб муаммолар, ривожлантириш, стратегик бошқариш, ижтимоий-иқтисодий муаммолар.

### **Аннотация:**

таких слов как мировой рынок, национальная экономика, мировое сообщество, производственные ресурсы, инновационное развитие, современные проблемы, инновационное экономическое развитие, процессы стратегического управления, человеческий (интеллектуальный) капитал, инновационное развитие в нашей стране, инновационное, социально-экономическое, поэтапное устранение проблемы широко освещаются.

**Ключевые слова:** мировой рынок, национальный, национальная экономика, инновационное, развитие, актуальные проблемы, развитие, стратегическое управление, социально-экономические проблемы.

### **Abstract:**

Words such as world market, national economy, international community, production resources, innovative development, current problems, innovative economic development, strategic management processes, human (intellectual) capital, innovative development in our

country, innovative, socio-economic, step-by-step elimination of problems are widely covered.

**Keywords:** world market, national, national economy, innovative, development, current problems, development, strategic management, socio-economic problems.

Жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун аҳолининг билими, иқтидори ва қувватидан фаол фойдаланиб арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бугунги давр талабидир. Миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш табиий ресурсларни ишлатишга асосланган иқтисодиётдан, инсон билимлари каби энг қувватли такрор ишлаб чиқариш ресурсларига асосланган тараққиётга ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳозирги даврда давлатнинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни унинг интеллектуал салоҳияти, янги билимларни яратиш ва улардан самарали фойдаланиш имконияти ва қобилияти билан ўлчанмоқда.

Ҳозирда жуда кўплаб давлатларда бўлгани каби мустақил Ўзбекистонда ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу ислоҳотларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи идроки, салоҳиятини бевосита тараққиёт ривожланиш ва цивилизация билан боғлаб, ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айлантормоқда. Шу боис инновацион фаолиятни ташкил этиш, шакллантириш, уни стратегик бошқариш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни илмий ва амалий ҳал этиш алоҳида аҳамият касб этиб, мамлакатимизда инновацион тараққиётда инсон омилини фаоллаштириш масалаларининг тадқиқ этиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Инновацион тараққиётда инсон омили ва уни фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2018 йил 21-сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасини 2019-2021 йилларда инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорларида “Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлик даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи асосий омил сифатида инсон (ақлий) капиталини ривожлантириш-стратегиянинг бош мақсадидир” деб таъкидлаб ўтганлар. [1]

Олиб борилган тадқиқотлар мамлакатимизда иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун муҳандислар ва бошқарув кадрлар, раҳбар кадрлар, техник мутахассислар захирасининг ўткир етишмаслиги ҳамда Олий таълимнинг сифати ва тузилмаси меҳнат бозори талабларига мос келмаслиги каби муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта

эйтибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Япония давлатида 16 ёшгача бўлган ёшлар ўзларининг ғояси билан лойиҳа қилса, бу лойиҳа давлат учун фойда келтириш ёки келтирмаслигига қарамай давлат томонидан сотиб олинади. Бу ушбу лойиҳа муаллифлари учун кейинги изланишларида янада фаол бўлишга чорлайди.

Ўзбекистонда бу соҳадаги муҳим амалий қадам сифатида болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини бугунги 34 фоиздан 2019 йил якунигача 44 фоизга етказиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида сақланиб келинаётган эди. Сўнги икки йилда кўрилган чора-тадбирлар натижасида, бу кўрсаткич 15 фоиздан ошди. Дунёдаги ривожланган давлатлар билан солиштирадиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон жаҳон тадқиқотларининг 0,02 фоизини амалга оширади ва улар далил қилиб келтиришда паст кўрсаткичларига эга. Олимлар ва тадқиқотчилар иш билан банд аҳолининг кичик қисмини ташкил этади (0,12%), уларнинг мутлақ сони эса-16,7 минг киши холос.[2]

Бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сони бўйича ҳам ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатлардан анча илгарилаб кетганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Корея Республикасида бир миллион аҳолига 6533 нафар тадқиқотчи тўғри келади, Японияда ушбу кўрсаткич 5195 нафарни, Канадада 4494 нафарни, Германияда 4355 нафарни, Францияда 4125 нафарни, Буюк Британияда 4108 нафарни, Америка қўшма штатларида 3984 нафарни, Россия Федерациясида 3085 нафарни, Хитойда 1071 нафарни ташкил этган бўлса, Мисрда 581 нафарни ва Ўзбекистон Республикасида эса 495 нафарни ташкил этмоқда. [3]

***Юқоридаги муаммоларни босқичма–босқич бартараф этиш ҳамда Ўзбекистонда инновацион ривожланишни таъминлашда инсон омили ва уни фаоллаштириш учун фикримизча, куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:***

- ❖ *-таълимнинг барча даражаларида ўқув методологияси ва дастурларини иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мослаштириш;*
- ❖ *-ривожланган хусусий таълим бозори шаклланишини рағбатлантириш;*
- ❖ *-экспериментал ва инновацион дастурларни амалга оширадиган мактаблар тармогини яратиш;*
- ❖ *-талабаларнинг ўқишдан узулишсиз ишлашига имкон берадиган таълим лойиҳаларини ривожлантириш;*
- ❖ *-юқори малакали ходимларнинг улушини ошириш учун илмий даража олишни рағбатлантириш;*
- ❖ *-ОТМлар сонини кўпайтириш;*
- ❖ *-онлайн таълимни фаол равишда жорий этиш;*

❖ *-юқори малакали кадрларнинг чет элга чиқиб кетишига қарши чора-тадбирлар кўриши.*

**Хулоса қилиб айтганда,** инсон инновацион тараққиётнинг асосий омилига айланиши учун унинг ривожланишини комплекс равишда тизимнинг барча унсурларидаги жараёнларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўзбекистонда юртбошимиз “Юртимиздан яна кўплаб Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар етишиб чиқади. Мен бунга ишонаман” деб айтган ғоялари атрофида барчамиз жипслашсак, инновацион соҳага юксак билимли кадрларни тайёрлашда биринчи бўлишимиз мумкин. Зеро, мамлакатимизда инсон омилини фаоллаштириш, ватанимиз ёшларининг жаҳонга танилишига хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2018йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармойиши.
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
3. Cornell University, INSEAD, and WIPO (2015): The Global Innovation Index 2015: Energizing the World with Innovation. Ithaca, Fontainebleau, and Geneva.